

**ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲДИД ВА ХАВФ-ҲАТАРЛАР
КЛАСИФИКАЦИЯСИ**

Алижонов Иброхимжон Рустамжон ўғли

*Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети мустақил
изланувчиси,*

Babdullayev490490@gmail.com, +99897-707-75-69

Аннотация: *Мазкур мақолада жамоат хавфсизлигига таъсир кўрсатувчи хавф-хатар ва таҳдидлар, хавф-хатар ва таҳдидларнинг кўринишлари, турлари тадқиқ қилинган, олимларнинг илмий тадқиқот изланишлари, юридик адабиётлар ҳамда қонун ҳужжатлари хусусан чет давлатларнинг қонунчилиги таҳлили асосида жамоат хавфсизлигига таҳдидлар келиб чиқишига кўра таснифланган. Амалга оширилган таҳлиллар асосида жамоат хавфсизлигига таҳдидларнинг таснифлаш ва қонунчилик билан мустаҳкамлаш орқали жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.*

Калит сўзлар: *Жамоат хавфсизлиги, жамоат тартиби, жамоат хавф-хатар, табиий хавфсизлик, антропоген хавфсизлик, иқтисодий хавфсизлик, ижтимоий хавфсизлик, ахборот хавфсизлиги, миллий хавфсизлик концепцияси.*

Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш жамият ва давлатнинг барқарор ва изчил ривожланиши, фуқаролар учун муносиб шарт-шароит ва ҳаёт сифатини яратиш, шунингдек, қулай ички муҳитни шакллантиришнинг зарур шартидир.

“Ўзбекистон-2030” стратегиясига[1] мувофиқ, сўнги йилларда амалга оширилган кенг қўлмали ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитет, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартибот, чегаралар дахлсизлигини таъминлашнинг, қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамиятда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш ва фуқароларнинг ижодий салоҳиятини рўйбга чиқариш учун мустаҳкам пойдеворни яратди[2].

Ҳозирги замондаги дунёдаги ҳарбий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазият, ҳодиса ва жараёнларнинг динамикаси ва беқарорлиги билан ажралиб туради. Айрим мамлакатларда рўй бераётган ташқи ва ички сиёсий жараёнлар шуни кўрсатамоқдаки, замонавий шароитда конституциявий тузум барқарорлигини, ҳудудий яхлитликни, давлат ҳокимияти институтларини сақлаш, жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартиботини, фуқаролар тинчлигини, миллий тотувликни таъминлаш, экстремизм ва терроризмнинг пайдо бўлишига ёрдам берувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, ижтимоий, миллатлараро ва диний низоларни олдини олиш давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

XXI асрга келиб дунёда юзага келган ижтимоий-сиёсий вазият мураккаб, кўпинча қарама-қарши жараёнлар, тенденциялар ва ҳодисалар мажмуаси билан

20-Fevral, 2026-yil

тавсифланади, шулар жумласидан давом этиб келаётган жаҳон иқтисодий инкирози, дунё миқёсида уюшган жиноятчилик, наркотик ва одам савдосининг ўсиб бориши, кибержиноятларнинг вужудга келиши ва ривожланиши, ишсизлик, ноқонуний миграция, терроризм, экстремизм ва сепаратизм ҳаракатларининг кенг тарқалиши, кундан-кунга ошиб бораётган табиий ва техноген тусдаги фавқулотда ҳолатлар (авариялар, табиий офатлар) алоҳида давлатлардаги ижтимоий-сиёсий вазиятга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Таъкидлаш жоизки, хавфсизликни таъминлаш ҳуқуқий категория сифатида давлатнинг хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш, аниқлаш, шунингдек, зарарсизлантириш бўйича фаолиятининг муайян соҳаларини қамраб олади. Миллий қонунчиликда нафақат “жамоат хавфсизлиги” тушунчаси, балки жамоат хавфсизлигига таҳдид тушунчаси ва турлари ҳам мустаҳкамланмаган. Бу нафақат маҳаллий олимлар ва амалиётчилар ўртасида, балки хорижий манбаларда ҳам ушбу масалалар бўйича бир хил қарашлар мавжуд эмаслигида ифодаланади.

Хавфсизликка таҳдидларни тушуниш ва унинг меъёрий мустаҳкамланишига келсак, “Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, ҳарбий соҳада миллий хавфсизликка таҳдид тушунчаси – Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий куч ишлатишнинг реал имконияти билан тавсифланган омиллар деб изоҳланган[3].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик концепциясида[4] шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатлари, хавфсизликка таҳдидлар тўғрисида сўз юритилган.

Яъни ҳаётий муҳим миллий манфаатларнинг ташқи ва ички таҳдидлардан қафолатли ҳимояланганлик ҳолати Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигининг мазмунини ташкил этиб, унинг барқарор ривожланиши шартидир.

Ҳаётий муҳим миллий манфаатлар миллатнинг маданий-тарихий бирлик тариқасида ўзлигини сақлаб қолиш, миллий қадриятларни, ижтимоий ва давлат институтларини ҳимоя қилиш, суверенитетни ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш борасида аниқланган эҳтиёжларидир.

Шахснинг ҳаётий муҳим манфаатлари қуйидагилардан иборат: инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурматлаш; шахсий ва мулкӣ хавфсизликни таъминлаш; шахснинг маънавий ва интеллектуал камол топишини ҳамда ўзлигини намоён этишини таъминлаш; инсоннинг куч-ғайрати ва қобилиятини мумкин қадар кўпроқ ошириш учун рағбатлантирувчи самарали бозор механизмларини вужудга келтириш; ҳаётий эҳтиёж минимумини ва инсон фаровонлиги ошишини таъминлаш; инсон ҳаёти ва фаолияти учун, одамлар соғлигини муҳофаза қилиш учун мақбул экологик шарт-шароитни таъминлаш.

Жамиятнинг ҳаётий муҳим манфаатлари қуйидагилардан иборат: миллатлараро, конфессиялараро ва фуқаровий тотувликни таъминлаш; миллий анъаналар ҳамда миллат табиати ва хусусиятларига монанд демократик

20-Fevral, 2026-yil

институтларни ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш; аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, сиёсий ва ижтимоий фаоллигини кучайтириш; давлат устидан жамият назоратининг самарали механизмларини бунёд этиш, жамоат бирлашмалари ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, мустақил оммавий ахборот воситалари фаолияти учун шароит яратиш; ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш ҳамда ҳақиқий мулкдорларнинг кенг қатламини шакллантириш; миллатнинг маънавий тикланишини ва миллий ўзликни англашнинг ўсиб боришини таъминлаш; жамиятнинг маънавий-ахлоқий, маданий ва бошқа демократик қадриятларини ҳимоя қилиш; жамиятнинг интеллектуал, маърифий ва маданий салоҳиятини ривожлантириш; жамиятнинг асоси сифатида оилани ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, барқарор экологик вазият яратиш, аҳолининг соғлигини таъминлаш, жисмонан камол топган соғлом авлодни шакллантириш.

Концепцияда, Миллий хавфсизликка таҳдид деганда ҳаётини муҳим миллий манфаатларга путур етказиши мумкин бўлган омиллар ва шарт-шароитлар тушунилиши белгиланган, шунингдек Миллий хавфсизликка таҳдид сифатида *сиёсий соҳадаги, ижтимоий соҳадаги, иқтисодий, ҳарбий соҳадаги, илмий-техника, технология ва ахборот соҳаларидаги, экологик соҳадаги* ички ва ташқи таҳдидлар санаб ўтилган.

Юқорида айтилганларнинг моҳияти бизга жамоат хавфсизлигини таъминлаш субъектларининг амалий фаолиятида жамоат хавфсизлигига таҳдидлар таснифлаш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашга асос бўлади[5].

Бизнингча бу *биринчидан*, таҳдидларни батафсил ўрганиш имконини беради, *иккинчидан*, унинг мазмунини тушуниниш имконини беради, *учинчидан*, уларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш соҳасидаги чора-тадбирларни (ташкилий, молиявий, моддий-техник ва бошқалар) амалга оширишни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Аввало, хавфсизликка таҳдид тушунчасига аниқлик киритиш лозим.

В.В.Пятилетовнинг фикрича, “таҳдид” тоифасининг назарий ва амалий аҳамиятига қарамай, на маҳаллий, на хорижий илмий адабиётларда бу тушунчага ягона ёндашув ишлаб чиқилмаган[6].

В.Л.Маниловнинг фикрича, таҳдид - бу ҳаётини манфаатлар ва хавфсизликка бевосита зарар етказувчи хавф ҳисобланади[7]. В.И.Ярочкин ва Я.В.Бузановалар "таҳдид" тушунчаси "хавф" тушунчаси билан боғлиқлигини таъкидлаб, таҳдид имкониятларнинг ҳақиқатга ўтиш босқичидаги баъзи субъектларнинг бошқаларга зарар етказишга тайёрлигини билдирган ният ёки намоёиш ҳисобланади дея таъриф келтирилган[8].

Я.В.Волков эса тор маънода таъриф берган бўлиб, у таҳдидни “хавфнинг энг аниқ ва бевосита шаклини вужудга келтирувчи шартлар ва омиллар мажмуи” деб ҳисоблайди[9].

20-Fevral, 2026-yil

Биз юқоридаги олимларнинг фикрларига қўшилган ҳолда қуйидагича таъриф келтиришни жоиз ҳисоблаймиз, **“жамоат хавфсизлигига таҳдид”** – бу жамиятнинг ҳаётий муҳим манфаатларига хавф туғдириши мумкин бўлган ҳар қандай воқеа, ходиса, жараён, шарт-шароитлар ва бошқа ҳолатларнинг мажмуи.

А.М.Вороновнинг[10] фикрича, жамоат хавфсизлигига таҳдидларнинг пайдо бўлиши, *биринчидан*, аҳолининг турли гуруҳлари ўртасида юзага келадиган қарама-қаршилиқларнинг мавжудлиги билан бевосита ёки билвосита боғлиқ; *иккинчидан*, жамоат хавфсизлигини таъминлашни кафолатловчи ижтимоий ва давлат-ҳуқуқий институтлар фаолияти самарадорлиги билан боғлиқ, *учинчидан*, ўрнатилган ёки пайдо бўлган ҳуқуқий воситалар билан ҳимоя қилиниши лозим бўлган уларга ижобий ёки салбий хусусият беришга қодир бўлган ижтимоий муносабатларнинг тузилиши билан боғлиқ.

В.Н.Конин, жамоат хавфсизлигига энг муҳим таҳдид сифатида қуйидагилар келтириб ўтган: жамиятнинг ижтимоий табақаланишига олиб келадиган иқтисодий беқарорлик; миллатлараро ва диний низолар; жиноятчиликнинг, шу жумладан уюшган жиноятчиликнинг ўсиши, зўравонлик ва шафқатсизликнинг кучайиши; давлат органларидаги коррупция; хулқ-атвор, ахлоқ ва ахлоқ нормаларига, жамиятнинг бефарқлигининг кучайганлиги; сиёсий экстремизм ва терроризм; аҳолининг давлат ва муниципал ҳокимият органларига ишончининг йўқлиги; давлатнинг қонунга хилоф ҳаракатлардан ҳимоя қила олмаслигига ишониш; ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тарқоқлиги туфайли уларнинг самарасизлиги; ҳуқуқий, молиявий, ижтимоий ва ресурслар билан таъминлаш муаммоларининг мавжудлиги; ишлаб чиқариш воситалари, технологик жиҳозлар, транспорт воситаларининг амортизацияси; СССР даврида ишлаб чиқарилган, тизимлар ҳолатини назорат қилиш даражасининг пасайиши, хавфсизлик, рангли металлларнинг оммавий ўғирланиши (электр узатиш линиялари, алоқа, мураккаб технологик ускуналарни демонтаж қилиш), сабаб бўлади; бахтсиз ходисалар, фалокатлар, экологик офатлар, йўл транспорт ходисаларининг ўсиши; гиёҳвандликнинг ўсиши ва бошқалар[11].

Р.А.Журавлев[12] жамоат хавфсизлигига қуйидаги таҳдидларни белгилайди: терроризм; экстремизмнинг ҳар хил турлари; экологик фалокат таҳдиди; техноген ва табиий офатлар хавфи; шунингдек, гиёҳвандлик, спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш, уюшган ва трансмиллий жиноят, ноқонуний миграция, коррупция ва бошқалар.

Шуни таъкидлаш жоизки, фавқулодда вазиятларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг умумий назарий масалалари А.Б.Агапов, А.В.Басов, Д.Н.Баҳрах, А.В.Грязнов, В.Б.Рушайло, С.Д.Хазанов ва бошқаларнинг ишларида ўрганилган[13].

Бироқ, жамоат хавфсизлигига таҳдидларнинг хусусиятлари билан боғлиқ масалалар махсус ўрганилмаган. Ўрганилган илмий тадқиқот ишларда бу масалалар кенг ва комплекс ёндашувсиз қисман ёхуд маъмурий-ҳуқуқий масалалар доирасида

ўрганиб чиқилган, бу эса ушбу масалани кенгроқ илмий таҳлил қилишни тақазо қилади.

Жамоат хавфсизлигига таҳдидлар жуда хилма-хил бўлиб, жамиятнинг деярли барча соҳаларида юзага келади. Аммо шуни таъкидлаш жоизки, ҳуқуқ фанидаги баҳсли масалалардан бири бу жамоат хавфсизлигига таҳдидларнинг тўлиқ рўйхатини шакллантиришдир[14].

Ушбу масала бўйича фикр юритар эканмиз аввало бундай таҳдидлар рўйхатини яратиш мумкинми деган савол пайдо бўлади.

Д.Н.Баҳрах, С.Д.Хазанов фавқулодда ҳолат жорий этиш учун таҳдидлар рўйхатини шакллантиришда шу саволни ўртага ташлашганини алоҳида таъкидлаш лозим[15].

Шунингдек, халқаро амалиётда жамоат хавфсизлигини таъминлашга таҳдид соладиган ҳодисалар рўйхатига нисбатан ягона ёндашув мавжуд эмас. Олимлар ва амалиётчилар доимий равишда ушбу таҳдидлар рўйхатини ишлаб чиқиш устида баҳс олиб боришмоқда.

Рус олимлари М.Д.Давитадзе ва В.Б.Рушайлоларнинг илмий тадқиқот ишлари[16], жамоат хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ва амалдаги қонунчилик таҳлили жамоат хавфсизлигига таҳдидларнинг қуйидаги гуруҳларини аниқлашга имкон беради.

Биринчидан, сиёсий соҳадаги жамоат хавфсизлигига таҳдидлар: давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича давлат ҳокимияти органлари фаолиятидаги камчиликлар; ҳукумат амалдорлари, хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасида коррупция даражасининг ошиши; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жамоат тартибини муҳофаза қилиш, жинойтчиликка қарши курашиш, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини қонунга хилоф равишда чеклаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини самарали таъминлай олмаганлиги; жамоат хавфсизлигига таъсир қилувчи хавф-хатараларга тезкорлик билан жавоб қайтара олмаслиги; жамоат ташкилотларининг (шу жумладан диний ташкилотларнинг) ноқонуний фаолияти ва бошқалар.

Иккинчидан, иқтисодий соҳада жамоат хавфсизлигига таҳдидлар: иқтисодий соҳада давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилиш тизимининг заифлашиши; мувозанатсиз иқтисодий сиёсат ва бунинг оқибатида аҳолининг ижтимоий турмуш даражасининг пасайиши; иқтисодий соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг беқарорлиги, бунинг натижасида иқтисодиётни криминаллаштириш кўламининг ошишига олиб келиши; саноатнинг етакчи тармоқлари, агросаноат мажмуаси, аҳоли ҳаётини таъминлаш тизимларида асосий ишлаб чиқариш фондларининг оғир аҳволи сабабли аҳоли ҳисобидан ушбу объектларни сақлаш харажатларининг ошиши; аҳолини энг зарур товарлар билан таъминлаш, унинг сифати устидан назоратни амалга ошириш соҳасида монополияга қарши сиёсатнинг самарасизлиги ва бошқалар.

Учинчидан, ижтимоий соҳада жамоат хавфсизлигига таҳдидлар: ҳаётнинг барча соҳаларида шахснинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг бузилиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ва самарали амалга оширилиши ва ҳимоя қилинишини таъминлашда давлатнинг ночорлиги; соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигининг пастлиги; гиёҳвандлик, алкоголизм, "ижтимоий касалликлар"нинг кенг тарқалиши; кам таъминланганлар учун сифатли таълим олиш имкониятларининг қисқартирилиши; жамиятнинг ахлоқий ва маънавий таназулининг кўринишлари; болалар ва ўсмирларнинг қаровсизлиги, уйсизлик, тиламчилик, экстремизм, терроризм, сепаратизм кўринишларининг кўпайиши ва бошқалар.

Тўртинчидан, техноген соҳада жамоат хавфсизлигига таҳдидлар: кўп сонли техноген фавқулодда вазиятларнинг юзага келиши, технологик жараён давомида кўп миқдорда эскирган ва носоз ускуналардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш ускуналарини ўз вақтида таъмирламаслик ва модернизация қилмаслик, ишлаб чиқариш жараёнида технологик стандартлар ва меъёрларга риоя қилмаслик; техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг юзага келиши, аҳолининг ўлими ва шикастланиши натижасида хавфли юкларни сақлаш ва ташиш қоидаларини бузиш, шунингдек, бундай вазият оқибатларини бартараф этиш учун катта миқдордаги молиявий маблағлардан фойдаланиш; ишлаб чиқариш ва турар-жой биноларини қуришда лойиҳа ҳужжатларини ва қўйилган қурилиш стандарти талабларини бузиш ва бошқалар.

Бешинчидан, экологик (атроф-муҳит) соҳасидаги жамоат хавфсизлигига таҳдидлар: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сезиларли антропоген бузилиш ва техноген тирбандлик, техноген ва табиий фавқулодда вазиятлар хавфининг ошиши; Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ экологик ҳалокатнинг салбий оқибатлари; табиий хом ашёдан нораціонал фойдаланиш; сув ҳавзаларининг экологик ҳолатининг ёмонлашиши, трансчегаравий ифлосланиш муаммосининг кучайиши ва сув сифатининг пасайиши; техноген ҳолатнинг кучайиши сув омборлари каскадининг гидротехник иншоотлари; Россия Федерациясига экологик жихатдан хавфли технологиялар, моддалар, материаллар ва трансген ўсимликлар, одамлар, ҳайвонлар, ўсимликлар ва организмлар учун хавфли патогенларни назоратсиз олиб кирилиши, генетик модификацияланган ўсимликлар, организмлар, моддалар ва олинган маҳсулотлардан асоссиз фойдаланиш; техноген, шу жумладан ядровий ва биологик терроризм хавфи; заҳарли ва экологик хавфли чиқиндиларни утилизация қилиш бўйича комплексларнинг эскирганлиги ва бошқалар.

Биз тадқиқотчилар М.Д.Давитадзе ва В.Б.Рушайлоларининг фикрларига қўшилган ҳолда, жамоат хавфсизлигига таҳдидларни қуйидагича таснифлашни мақсадга мувофиқ ҳисоблаймиз.

Жамоат хавфсизлигига таҳдид манбаасининг табиатига қараб икки гуруҳга ажратиш мумкин:

20-Fevral, 2026-yil

Биринчи гуруҳга табиий хавфсизлик. Бу ерда таҳдидларнинг манбаи турли хил табиий объектлар, ҳодисалар, жараёнлардир. Табиатдаги хавфнинг асосий манбаи ҳали ҳам инсон томонидан бошқарила олмайдиган табиат ҳодисалари (вулқон отилиши, бўронлар, zilzilalar ва бошқалар) ҳисобланади.

Биринчи гуруҳга кирувчи табиий хавфсизликни таъминлаш биров мушкул ҳисобланади, сабаби илф-фан қанчалик ривожланмасин ҳалигача табиат ҳодисаларини олдиндан прогноз қилиш ёки олдини олиш усуллари яратилмаган.

Бироқ ҳозирги технологиялар ва олимларнинг кўп йиллик изланишлари натижасида айрим табиат ҳодисаларини олдиндан прогноз қилиш, табиий офатларнинг оқибатларини бартараф этиш ёки етказиладиган зарарларни минималлаштириш имконини беради.

Мисол учун, Япония Ер юзидаги қуруқликнинг атиги 0,28 фоизини ва дунё аҳолисининг 1,9 фоизини ташкил қилади, шунга қарамай, табиий офатларнинг олдини олиш бўйича “оқ китоб”га кўра, Японияда 6 ёки ундан юқори магнитудали zilzilalarнинг 18,5 фоизи, шунингдек, дунёдаги фаол вулқонларнинг 7 фоизи жойлашган (1-расм).



Биргина, 1995 йилги Ханшин-Аважи zilzilasi 6000 дан ортиқ одамнинг ҳаётига зомин бўлган, 2011 йилда Шарқий Япониядаги Буюк zilzilada 20 000 га яқин одам ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолган[17].

2011 йилда Экология вазирлиги томонидан ташкил этилган Инсон ва табиатнинг биргаликда яшаши бўйича кенгашнинг нашр этилган материалларида Япониядаги табиий офатларнинг кўплигининг асосий сабаблари кўрсатилган:

биринчидан, Япон архипелагининг тўртта тектоник плиталар устида жойлашиши, шу сабабли бу ерда сейсмик ва вулқон фаоллиги кузатилади;

иккинчидан, тоғли рельеф бўлганлиги сабабли дарёлар тез оқимга эга;

учинчидан, Осиё муссон зонасида жойлашиши мавсумий "олхўри ёмғирлари" (тсую) ва тайфунлар пайтида ёғингарчиликнинг юқори концентрациясига олиб келади;

тўртинчидан, фойдаланилаётган ернинг зичлиги сабабли, шаҳарлар ва қишлоқ хўжалиги ерлари дарёлар, вулқонлар, денгиз қирғоқларига туташган[18].

Буларнинг барчаси Япония давлатига табиий офатлардан ҳимояланиш механизмини ишлаб чиқишга ва имкон қадар аҳолигини табиий офатлардан ҳимоя қилишга имкон берди.

Бу эса табиий хавфсизликнинг долзарблиги ва аҳамиятини ўзида акс эттиради.

Иккинчи гуруҳга антропоген хавфсизлик. Бу ерда таҳдидлар асосий манбаи инсон, турли ижтимоий тизимлар, шунингдек, инсон ҳаётининг маҳсулотлари, шу жумладан техносферадир[19]. *(Баъзан "технология олами" алоҳида кўриб чиқилади. Бунда барча турдаги таҳдидларнинг қўйидаги иккита глобал манбалари ажратилади: ижтимоий соҳа ва технология соҳаси)*

Антропоген хавфсизлик, таҳдидлар намоён бўладиган ва конкретлашадиган ижтимоий муносабатлар соҳаларига қараб, сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, ижтимоий-маданий, илмий-техникавий, ахборот хавфсизлигига бўлиниши мумкин[20].

Антропоген хавфсизлик тўлиқ инсон омили боғлиқ бўлиб, бунда инсон бевосита (ёки билвосита), ҳаракат (ёки ҳаракатсизлиги) билан турли хил таҳдидлар келтириб чиқаради. Табиий хавфсизликдан фарқли ўлароқ антропоген хавфсизликка тегишли таҳдидларни олдини олиш, бартараф этиш ёки йўл қўймаслик йўллари мавжуд.

Антропоген хавфсизликни ташкилий, ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, техник ва бошқа усуллар (чора-тадбирлар) орқали олдини олиш ёки бартараф қилиш мумкин.

Инсон омили натижасида юзага келадиган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ахборот, техноген ва бошқа таҳдидларни прогноз қилиш ва барвақт олдини олиш ёки таъсир кўрсатиш имкони мавжуд. Бунинг учун таҳдид юзага келган сабаблар, шарт-шароитлар ва оқибатлари тадқиқ қилиш талаб қилинади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, жамоат хавфсизлига таъсир кўрсатувчи таҳдидлар ва хавф-ҳатарларни таснифлаш, гуруҳларга ажратиш келгусида уларни олдини олиш, уларга қарши курашиш механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга хизмат қилади.

Шу билан бирга таҳдид тушунчасига таъриф ишлаб чиқишда тадқиқотчилар В.Л.Маниловнинг[21], В.И.Ярочкин ва Я.В.Бузанова-ларнинг[22] фикрларига қўшилган ҳолда **“жамоат хавфсизлигига таҳдид”** – бу жамиятнинг ҳаётий муҳим манфаатларига хавф туғдириши мумкин бўлган ҳар қандай воқеа, ходиса, жараён, шарт-шароитлар ва бошқа ҳолатларнинг мажмуи деган хулосага келишимиз мумкин.

Бизнинг фикримизча, жамоат хавфсизлигига таҳдидларни таснифлашда А.М.Вороновнинг[23], В.Н.Конин[24], Р.А.Журавлев[25], М.Д.Давиатадзе ва В.Б.Рушайлоларнинг[26] илмий тадқиқот ишлари, жамоат хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ва амалдаги қонунчилик таҳлили жамоат хавфсизлигига таҳдидларни таснифлаш имкони беради.

Шу сабабли, юқоридаги олимлар, тадқиқотчилар, юридик адабиётлар ва амалдаги қонунчилик таҳлили Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлигига

20-Fevral, 2026-yil

нисбатан тахдид ва хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш учун ягона концептуал асосни яратиш ва такомиллаштириш вазифасини қўймоқда.

Мазкур вазифани ечими сифатида ҳозирги замонда юзага келаётган тахдидларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепциясининг янги тахририни қабул қилиш орқали ҳал этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1 <http://www.lex.uz/> Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси;
2. <http://www.lex.uz/> Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси;
3. “Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // <http://www.lex.uz/> Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси;
4. “Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 11-12-сон, 295-модда) // <http://www.lex.uz/> Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси;
5. Басова Ю.Ю. К вопросу о системе общественной безопасности // Сборник материалов научно-практической конференции «Проблемы обеспечения законности, правопорядка и общественной безопасности в современных условиях. Симферополь: АРИАЛ, 2016. С. 224-230;
6. Пятилетов В.В., «Безопасность», «угроза безопасности», «чрезвычайная ситуация»: некоторые проблемы соотношения понятий // Вестник Самарского государственного аэрокосмического университета. 2009. № 1. С. 203.;
7. Манилов В.Л., Угрозы национальной безопасности России // Военная мысль. 1996. № 1.;
8. Ярочкин В.И., Бузанова Я.В., Теория безопасности. М., 2005. С. 30.;
9. Я.В. Волков, Геополитика и ее влияние на обеспечение безопасности в современном мире. Дис. ... д-ра полит. наук. М., 2001. С. 128.;
10. Воронов А.М. Система обеспечения общественной безопасности: проблемы оптимизации // <https://cyberleninka.ru/>;
11. В.Н.Конин, Общественная безопасность как социально-правовое явление // Административное право и процесс. 2012. № 4. С. 43.;
12. Журавлев, Р.А., Понятие и содержание общественной безопасности как приоритета национальной безопасности // Российский следователь. 2012. № 9. С. 46.;
13. Мазкур олимларининг илмий изланишлари, фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатиб ўтилган;

20-Fevral, 2026-yil

14. Басова Ю.Ю. К вопросу о системе общественной безопасности // Успехи современной науки и образования. 2017. №3. Том 5. С. 145-150.;

15. Бахрах Д.Н., Хазанов С.Д. Правовой режим чрезвычайного положения. Екатеринбург, 1992. Б- 33;

16. Давитадзе М.Д. Теоретические, организационные и правовые основы деятельности органов внутренних дел в условиях межнациональных конфликтов: автореф. дис. ... докт. юрид. наук: спец. М., 2000. 58 с.; Рушайло В.Б. Административно-правовые режимы. М.: Щит-М, 2000. С- 264.;

17. <https://www.nippon.com/ru/japan-data/h00549/>;

18. <https://www.nippon.com/ru/japan-data/h00549/>;

19. Кириленко В.И., Новокшанов О.Н., Обухов А.Н. Теоретические основы государственно-правового регулирования информационных правоотношений (правонарушения и юридическая ответственность в информацион-ной сфере). Домодедово : ВИПК МВД России. 2009. С. 109;

20. 1-жадвалда жамоат хавфсизлигига тахдидларнинг манбаасига кўра гурухларга ажратилган ҳолда кўриниши тақдим қилинган;

21. Манилов В.Л., Угрозы национальной безопасности России // Военная мысль. 1996. № 1.;

22. Ярочкин В.И., Бузанова Я.В., Теория безопасности. М., 2005. С. 30;

23. Воронов А.М. Система обеспечения общественной безопасности: проблемы оптимизации // <https://cyberleninka.ru/>;

24. В.Н.Конин, Общественная безопасность как социально-правовое явление // Административное право и процесс. 2012. № 4. С. 43.;

25. Журавлев, Р.А., Понятие и содержание общественной безопасности как приоритета национальной безопасности // Российский следователь. 2012. № 9. С. 46.;

26. Давитадзе М.Д. Теоретические, организационные и правовые основы деятельности органов внутренних дел в условиях межнациональных конфликтов: автореф. дис. ... докт. юрид. наук: спец. М., 2000. 58 с.; Рушайло В.Б. Административно-правовые режимы. М.: Щит-М, 2000. С. 264.